БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛМУРАДОВ ҒОЛИБЖОН КАРШИЕВИЧ

ҚОРИН БЎШЛИҒИ ЁПИҚ ШИКАСТЛАРИДА МИНИИНВАЗИВ ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

УЎК: 617.55-001

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филасофии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Элмурадов Ғолибжон Каршиевич
Қорин бўшлиғи ёпиқ шикастларида миниинвазив диагностика ва даволаш усулларининг имкониятлари 3

Элмурадов Голибжон Каршиевич
Возможности миниинвазивных методов диагностики и лечения при закрытых травмах живота..... 23

Elmuradov Golibjon Karshiyevich
Possibilities of minimally invasive methods of diagnosis and treatment for closed abdominal injuries 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 46

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛМУРАДОВ ҒОЛИБЖОН КАРШИЕВИЧ

ҚОРИН БЎШЛИҒИ ЁПИҚ ШИКАСТЛАРИДА МИНИИНВАЗИВ ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Tib3076 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	**Шукуров Бобир Ибрагимович** тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар	**Абдурахманов Мамур Мустафаевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Эшонходжаев Отабек Джураевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	**И.И.Джанелидзе номидаги тез ёрдам ИТИ** (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашиниг 2023 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй.Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда ўлим сабаблари ичида шикастланишлар аҳамиятига кўра тўртинчи ўринни эгаллаб, 45 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида эса ўлимнинг биринчи сабаби бўлиб ҳисобланади. Бунда айнан абдоминал травманинг ўзи 7-10% шикастланганларда ўлимнинг сабаби бўлиб қолмоқда. Шунингдек, А.М. Хаджибаев ва ҳаммуаллифларнинг эълон қилган маълумотларига кўра «...автоҳалокат туфайли шошилинч операция қилинган шахсларнинг 28,2% ида қорин бўшлиғи аъзоларининг шикастланиши аниқланган...»[1]. Шу билан бирга, замонавий шароитда қорин бўшлиғи аъзолари жароҳатлари кўплаб ва қўшма шикастланишларда юқори улушни ташкил этгани ҳолда, ўзига хос оғирлиги билан ажралиб туради ва пасайиш тенденциясига эга эмас. Бу хил шикастланишларда ўлим даражаси 58% гача етади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қорин бўшлиғи ёпиқ шикастланишларида миниинвазив ташхис ва даволаш усулларининг имкониятларини ошириш шошилинч тиббиёт учун катта аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида қорин бўшлиғи ёпиқ шикастланишларини даволашда қониқарсиз натижаларнинг асосий сабабларидан бири бу турли анатомик соҳалар қўшма шикастланишларининг бир бирини оғирлаштириши ва ушбу фонда қорин бўшлиғидан қон кетиши аниқ клиник кўринишининг йўқлиги, деб эътироф этилади. Диагностик хатоларнинг миқдори 20-45% гача ўзгариб тургани ҳолда оғир шикастланишларда 73,1% гача ошган. Бу ҳолат диффуз перитонит ёки гемодинамик жиҳатдан қорин бўшлиғида сезиларли қон кетиши белгилари намоён бўлишини кутмасдан, эрта асоссиз лапаротомия тактикасини кенг қўллашга олиб келган. Бунда давом этувчи ички қон кетиш белгилари аниқланмаган ва қорин бўшлиғи аъзоларининг жароҳати ҳаёт учун хавф туғдирмаган ҳолларда асоссиз лапаротомиялар сони 7-28,6% ни ташкил этган, қўшма шикастланишларда эса 50-80% гача ошган. Аниқланишича, асоссиз диагностик жарроҳлик аралашувларни амалга ошириш оғир қўшма қорин шикастларида беморлар аҳволини оғирлаштирган. Бундай ҳолларда лапаротомиянинг травматиклиги кўпинча амалга оширилиши лозим бўлган оператив амалиёт ҳажмидан ортиқ бўлган. Бу эса ўз навбатида қорин бўшлиғи аъзоларининг алоҳида ва қўшма шикастлари бўлган ушбу оғир тоифадаги беморларни бошқариш учун мавжуд алгоритмлар ва протоколларни қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва кўламини етарлича кенгайтириш юзасидан кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларни жарроҳлик даволаш сифатини яхшилашда етарлича ижобий натижаларга эришилиб келинмоқда. Шу билан бирга, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини

[1] Хаджибаев А.М., Шарипова В.Х., Султанов П.К., Джураев Ж.А. Современные взгляды на диагностику и лечение больных с сочетанной травмой // Вестник экстренной медицины. – Ташкент, 2020. – Т. 13. – №. 3. – С. 79-89.

такомиллаштириш учун қорин ёпиқ шикастларида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилашнинг янгича усулларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий – асосланган натижалар бўлиши талаб этилмоқда.

Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг 7 та устувор йўналишининг 56- мақсад, 4-қисмида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»[2] бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда қорин бўшлиғи аъзолари шикастланиши диагностикасида МСКТ умум қабул қилинган олтин стандарт ҳисобланади, аммо шунга қарамай усул бир қатор камчиликларга эга, булар текширишнинг қимматлиги, бемор тўшаги олдида амалга оширишнинг иложи йўқлиги, радиацион нурланишнинг юқорилиги, контрастли кучайтирилган МСКТнинг нефротоксиклиги, беморнинг тўшакда ҳаракати туфайли артефактларнинг пайдо бўлиши эҳтимолидир (Sahu A.K. et al., 2021).

Сўнгги йилларда қорин бўшлиғи ва қорин парда орти паренхиматоз аъзолари шикастланган беморларни даволашда жарроҳлик тактикасидан воз кечишни жорий этиш тенденцияси кенгайиши кузатилмоқда. Муайян шартларга риоя қилганда ушбу ёндашув ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Шу билан бирга, бир қатор мунозарали масалалар ҳал қилинмаган ҳолда қолмоқда. Бу ҳолатда беморларни клиник ва инструментал текшириш давомийлиги, овқат қабул қилишни бошлаш вақти, ёток тартиби муддати,

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

жароҳатнинг тромбоэмболик асоратларни олдини олиш учун антикоагулянт терапияни бошлашнинг хавфсиз муддати ва дозаси каби саволлар очиқлигича қолмоқда (Romeo L.C. et al., 2021).

Шу аснода, жарроҳларда қориннинг алоҳида ва қўшма шикасти бўлган беморларда лапароскопияни қўллашга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Шунга қарамай, нурли (шу жумладан интервенцион) текшириш усуллари имкониятларининг ошиб бориши, шикастланишларда жарроҳликсиз олиб бориш тактикаси учун кўрсатмалар кенгайиши абдоминал травмали беморларда лапароскопиядан фойдаланиш тенденциясининг пасайиши кузатилишига олиб келди (Yildirim M.B. et al., 2021).

Қорин бўшлиғи шикастланишлари характери ва ҳажмини операциядан олдин нурли диагностика қилиш ва лапароскопияни кенг қўллаш имконияти беҳуда (диагностик) лапаротомиялар сонининг сезиларли пасайишига ёрдам берди (Tang A.K. et al., 2021).

Бироқ, лапароскопиянинг терапевтик имкониятларидан фойдаланишнинг ошиб бораётган тенденцияси ҳақидаги адабиётларда мавжуд бўлган маълумотлар, нашр этилган тадқиқотларга киритилган кузатувларнинг камлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг сифатсизлиги, тадқиқотларнинг кузатув характери ретроспективлиги (далилларнинг паст даражаси), субъективликнинг юқори хавфи ва алоҳида муаллифлар томонидан олинган натижаларнинг гетерогенлиги юқорилиги туфайли ушбу усулнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги тўғрисида аниқ хулоса чиқаришга имкон бермайди (Stockinger Z.T. et al., 2018).

Бундан ташқари, қорин бўшлиғи шикастларида лапароскопиядан фойдаланишнинг барча аниқ афзалликларига қарамай, аксарият мутахассисларнинг фикрига кўра, уни гемодинамикаси барқарор бўлган беморларда қўллаш мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий ўқув муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 5436–012000262 рақамли «Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш» (2019–2023 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорин бўшлиғини ультратовуш текшируви ёрдамида баҳолашга янги ёндашувни ишлаб чиқиш, лапароскопияни қўллашга кўрсатмаларни кенгайтириш орқали қорин бўшлиғи ёпиқ шикастланишларида миниинвазив ташхис ва даволаш усулларининг имкониятларини кенгайтиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорин бўшлиғи ёпиқ шикастланишларини аниқлашда ультратовуш текширувининг характерли ультратовуш семиотикаси, диагностик қийматини аниқлаш, ушбу шикастланишда қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ҳажмини ультратовуш билан баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

барқарор гемодинамикали қорин бўшлиғи ёпиқ шикастланиши бўлган беморлар жарроҳлик даволаш тактикасини танлашни белгилайдиган аниқ ва амалий қўллаш имконияти мавжуд мезонларни аниқлаш;

барқарор гемодинамикали қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларда бирламчи лапароскопия учун кўрсатмаларни кенгайтириш ва мақсадга мувофиқлигини асослаш;

қиёсий баҳолаш орқали барқарор гемодинамикали қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларни олиб бориш учун турли хил жарроҳлик стратегияларини қўллашнинг бевосита яқин натижаларини ўрганиш орқали лапароскопиянинг самарадорлигини исботлаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гемодинамик кўрсаткичлари барқарор қорин ёпиқ шикастланиши бўлган 160 нафар бемор олиниб, уларнинг 51 нафарида лапароскопик, 109 нафарида очиқ лапаротомия амалиётлари ўтказилган.

Тадқиқот предмети сифатида УТТ информативлиги, ушбу жароҳатлар характерли сонографик семиотикасини аниқлаш, лапароскопик ва очиқ лапаротом жарроҳлик амалиётлар натижаларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида клиник, лаборатор, инструментал (рентгенография, УТТ, МСКТ, лапароскопия) текширувлар, статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

барқарор гемодинамикали қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларда қорин бўшлиғи шикастланишининг характерли сонографик семиотикаси батафсил тавсифланган ва тасвирланган, қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ва қорин бўшлиғи аъзоларининг механик шикастланиши белгиларини аниқлашда ультратовуш текширишнинг сезгирлиги, махсуслиги ва аниқлиги кўрсатиб берилган ва асосланган;

қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик дискрет ҳажмини ультратовуш ёрдамида баҳолашда суюқлик қатлами қалинлиги, унинг қорин бўшлиғи соҳаларида тарқалишини ҳисобга оладиган, ундан фойдаланиш FAST протокол жараёнини узайтирмайдиган ёки мураккаблаштирмайдиган янги ёндашув тавсия этилган, бу ўз навбатида қорин бўшлиғи ёпиқ шикастланишида жарроҳлик тактикасини танлашда гемоперитонеумнинг критик ҳажмларини аниқлаш имконини берган;

илк бор конверсия миқдори ва гемоперитонеум ҳажми ўртасида кучли, бевосита корреляцион боғлиқлик, қорин бўшлиғида шикастланиш борлигини башорат қилишда ультратовуш текширувда «қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик >500 мл» мезони юқори ахборотлилиги (VPV=94,2%), нисбий хавф индекси қиймати (RR=4.862) ва қорин бўшлиғидаги жиддий шикастланиш эҳтимолини (EER=93,5%) ҳисоблаш орқали қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларни жарроҳлик даволаш тактикасини танлашда «қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик <500> мл» ультратовуш текшируви

кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган ва асослаб берилган;

барқарор гемодинамик кўрсаткичли қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларнинг кўпчилигида (62,8%) махсус техник қийинчиликларсиз, эндохирургик асбоблар ёрдамида лапароскопик бартараф этиш мумкин бўлган қорин ичи жароҳатлари аниқланган, бу қорин бўшлиғи жароҳатларида лапароскопияни қўллашга нисбатан кўрсатмани кенгайтириш зарурияти ва хавфсизлигини асослаган, тавсия қилинган алгоритм ёрдамида беморларни лапароскопик амалиётлар учун танлаш, унинг миниинвазив ва травматик хусусияти камлиги асоратлар пасайишига, беморларнинг стационарда ётиш муддати қисқаришига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амалий тиббиёт учун қорин бўшлиғи аъзолари ёпиқ шикастланишининг бевосита ва билвосита ультратовуш белгиларини батафсил тасвирланган аниқ тавсифи таклиф этилган;

қорин шикастларини ташхислашда FAST-протокол жараёнининг амалий аҳамияти кўрсатилган, буни барча шошилинч тиббий ёрдам клиникаларида қўллаш имконияти борлиги, текширувнинг арзонлиги, қулайлиги, бемор ётоғида такрорий ўтказиш мумкинлиги, бемор ва тиббий ходимлар учун нурланиш таъсири йўқлиги аниқланган;

қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларда қорин бўшлиғида жиддий шикастланиш мавжудлигини башорат қилишнинг оддий усули тақдим этилган, бу хирургик даволаш тактикасини танлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган гемоперитонеумнинг критик ҳажмлари (< ёки >500 мл) аниқланишига олиб келган;

қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ҳажмини ультратовуш орқали баҳолаш асосида қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларда хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган ва клиник самарадорлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморларни текширишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, беморларни тадқиқотга киритиш ва чиқаришнинг аниқ шаклланган, услубий асосланган мезонларига риоя қилиш, таққосланган клиник тадқиқот гуруҳлари кўрсаткичларининг етарли сони ва репрезентативлиги, тадқиқот натижаларини хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ваколатли тузилмалар томонидан бирламчи материалларни тасдиқлаш билан таъминланлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорин бўшлиғи аъзолари шикастланган беморларда гемоперитонеум ҳажмини ўлчашнинг янги услубий ёндашуви ишлаб чиқилгани, ушбу усул қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ҳажмини ўлчаш учун тавсия этилган тайёр шкала бўлиб, қўшимча жиҳозларни талаб қилмаслиги, бугунги кунда мунтазам равишда қўлланиладиган FAST-протокол жараёнини мураккаблаштирмаслиги ёки

давомийлигини узайтирмаслиги, қорин бўшлиғида ортиқча суюқлик тўпланиши билан кечувчи бошқа патологик ҳолатларда фойдаланиш учун универсал ҳисобланиши, гемоперитонеум ҳажми ва қорин бўшлиғидаги шикастланишлар оғирлик даражаси ўртасида аниқ боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиши, бу ушбу феноменни башоратлаш мезони сифатида ишлатишга имкон бериши билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамиятга эга бўлган асосий натижалари ишлаб чиқилган «Қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ҳажмини ультратовушли баҳолаш асосида қорин ёпиқ шикастланишида хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритми» да акс эттирилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларни ташҳислаш ва жарроҳлик даволаш тактикасини такомиллаштиришнинг илмий натижалари асосида:

қорин ёпиқ шикастланишининг характери ва оғирлигини ультратовуш баҳолаш имконини берувчи «Шикастланишнинг характери ва оғирлигини ультратовуш баҳолаш асосида қорин ёпиқ шикастланишларида жарроҳлик тактикасини танлаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 ноябрдаги 8н-р/1282-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома қорин ёпиқ жароҳатлари бўлган беморларда қорин бўшлиғи шикастланишининг диагностикаси самарадорлигини ошириш имконини берган;

қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларни ташҳислаш ва жарроҳлик даволашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Самарқанд, Сурхондарё ва Навоий филиаллари клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 декабрдаги 8-н-3/699-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши қориннинг алоҳида ва қўшма травмалари бўлган беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли жарроҳлик ёрдами сифатини яхшилаш, лапароскопик муолажалар ўртача давомийлигини 103 дақиқадан 57 дақиқагача, реанимация ва интенсив терапия бўлимида қолиш муддатини 2,8 кундан 1,8 кунгача, стационар даволаниш муддатини 8,7 кундан 5,3 кунгача қисқартириш имконини берган, операциядан кейинги асоратлар 11,9% дан 3,1% гача камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 9 илмий-амалий конференция, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 9 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса қисми ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Матнли материал ҳажми 107 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қорин бўшлиғининг ёпиқ шикастланишларини диагностикаси ва жарроҳлик даволашнинг ҳозирги замон тенденцияси»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган. Қорин ёпиқ шикастланишида тиббий ва ижтимоий муаммолари ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилган, қорин бўшлиғи шикастланишлари диагностикасида ультратовуш текширувининг роли ва ўрни тўғрисида батафсил ёзилган, айрим аъзолар ва қорин бўшлиғидаги анатомик структуралар шикастларининг дифференциал диагностикасида МСКТ имкониятлари, қорин жароҳатларини консерватив ва хирургик даволашнинг замонавий ёндашувлари келтирилган.

Диссертациянинг **«Қорин бўшлиғи ёпиқ шикастларида миниинвазив диагностика ва даволаш усулларининг имкониятларини ўрганиш бўйича тадқиқотнинг материал ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган клиник материаллар тавсифи ҳар томонлама таҳлил қилинган. Ретроспектив таҳлил қилиш учун тадқиқотда қорин бўшлиғида хирургик аралашувни бошлаш вақтида стабил гемодинамикага эга бўлган ёпиқ шикастланишли 160 бемор танлаб олинган.

Беморларни тадқиқотга киритиш учун қўшимча мезонлар қуйидагилар бўлган: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар; клиникага ётқизилганида барқарор гемодинамика (АД сист. ≥ 90 мм сим. уст); операциядан олдинги даврда шокга қарши интенсив терапия натижасида гемодинамик параметрларни барқарорлашган кўрсаткичлари.

Диагностика ва хирургик даволаш босқичларида видеолапароскопик техникани қўлланилишига қараб беморлар икки гуруҳга бўлинган: лапароскопия қўлланилмасдан бирламчи лапаротомия ўтказилган 109 нафар (68,1%) пациент назорат гуруҳини ташкил этган, иккинчи гуруҳни хирургик амалиёт диагностик лапароскопия билан бошланган 51 нафар (31,9%) шикастланган беморни ташкил этган.

Беморларнинг ўртача ёши 33,3±11,4 ни ташкил этган. Бошқа барча турдаги механик шикастланишлар сингари, қориннинг ёпиқ шикастланишлари (ҚЁШ) бўлган жароҳатланганлар орасида аёллар 27 нафар (16,9%), эркаклар 133 (83,1%) нафарни ташкил этган. Лапароскопик аралашувлар биринчи навбатда гемоперитонеумнинг клиник ва сонографик белгилари ноаниқ бўлган беморларда, шу жумладан қорин бўшлиғининг қўшма жароҳати бўлган беморларда «эҳтиёт шарт лапароскопияси» сифатида

қўлланилгани сабабли бу қиёсланган гуруҳларда $АД_{сист.}$ (p=0,0029) ва пульс (p<0,05) кўрсаткичи беморларнинг ўртача фарқида акс этган. Таққосланган гуруҳларга фақат барқарор гемодинамикаси бўлган беморлар киритилганлиги сабабли, бу гуруҳларга RTS шкаласи бўйича шикастланишнинг оғирлиги статистик жиҳатдан бир хилликни ташкил этади (p=0,2301): асосий гуруҳда – 7,25±0,66 балл ва назорат гуруҳида - 7,25±0,66 баллни ташкил этган (1-жадвал).

Барқарор гемодинамикага эга қорин ёпиқ шикастланиши (ҚЁШ) бўлган беморларда бошқа анатомик соҳалардаги аъзоларнинг қўшма шикастланиши нисбатан кам учраши билан ажралиб турган – ушбу ҳолат 55 (34,4%) нафар шикастланганларда қайд этилган. Лапароскопик аралашувлар гуруҳида қориннинг қўшма жароҳати 17 (33,3%) нафар шикастланганларда, бирламчи очиқ амалиётлар ўтказилган гуруҳда эса 38 (34,9%) нафарни (p=0,850) ташкил этган.

1-жадвал

Шикастланганларни жинси, ёши ва жароҳатнинг оғирлиги бўйича тақсимланиши

Кўрсатгич	Асосий гуруҳ, n=51	Назорат гуруҳи, n=109	Жами, n=160
Ёши:			
Max	58	60	60
Min M±σ	18 30,2±8,7	18 34,8±12,3	18 33,3±11,4
t- Стьюдент критерийси	df=156, t-стат.=2,253, t-крит.=2,253, p=0,0257		
Жинси:			
Эркаклар, мут. (%)	33 (64,7)	100 (91,7)	133 (83,1)
Аёллар, мут. (%)	18 (35,3)	9 (8,3)	27 (16,9)
χ^2-тест	χ^2=18.106, p<0,001		
Ётқизилгандаги $АД_{сист.}$, мм сим. уст., M±σ	107,3±11,85	96,7±18,3	99,2±18,8
t- Стьюдент критерийси	df=156, t-стат.= 3,7689, t-крит.=1,9751, p=0,0023		
Операциядан олдин $АД_{сист.}$, мм сим. уст., M±σ*	107,6±11,1	101,8±11,6	103,7±11,7
t- Стьюдент критерийси	df=156, t-стат.=3,0245, t-крит.=1,9751, p=0,0029		
Пульс, ур./мин, M±σ	90,2±9,4	98,7±11,2	95,7±11,1
t- Стьюдент критерийси	df=156, t-стат.=-4,6087, t-крит.=1,9753, p<0,05		
Гемоглобин қонда, г/л, M±σ	86,6±19,3	86,4±15,4	86,5±16,7
t- Стьюдент критерийси	df=156, t-стат.=0,1351, t-крит.=1,9751, p=0,8926		
RTS шкаласи бўйича травма оғирлиги, M±σ	7,25±0,66	7,11±0,68	7,15±0,67
t- Стьюдент критерийси	df=156, t-стат.=1,2049, t-крит.=1,9753, p=0,2301		
Бошқа анатомик соҳалар қўшма травмаси, мут. (%)	17 (33,3)	38 (34,9)	55 (34,4)
χ^2-тест	χ^2=0.036, p=0,850		
Қўшма БМТ, мут. (%)	8 (15,7)	27 (24,8)	35 (21,9)
χ^2-тест	χ^2=1.678, p=0,196		
Кўкрак қафаси қўшма травмаси, мут. (%)	12 (23,5)	20 (18,3)	32 (20,0)
χ^2-тест	χ^2=0.583, p=0,446		

Қўшма шикастланишлар структурасидаги қорин ёпиқ шикастланиши бўлган жароҳатланганларда краниоцеребрал шикастланишлар устунлик қилган, бу 35 (21,9%) ҳолатда аниқланган, жумладан асосий гуруҳда 8 (15,7%) ва назорат гуруҳида эса 27 (24,8%) ҳолатларда кузатилган. Бош мия жароҳати учраш миқдори бўйича таққослаш гуруҳларида бир биридан (p=0,196) статистик жиҳатдан фарқ қилмаган. Қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларда қўшма жароҳатланиш ҳисобида кўкрак қафаси шикасти иккинчи ўринни эгаллаб, у 32 (20,0%) нафар беморларда аниқланган. Тадқиқотнинг иккала гуруҳида ҳам кўкрак қафаси аъзолари шикастланишининг бир хил миқдорда учраши кузатилган – мос равишда 12 (23,5%) ва 20 (18,3%) ҳолатда (p=0,446). Кам ҳолатларда тос суяги (8 (5,0%) ҳолат) ва умуртқа поғонаси синиши (2 (1,3%) ҳолат) аниқланган. Қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларда оёқ-қўл суякларининг синиш суръати 10,6% ни (17 беморда аниқланган) ташкил этган. 29 (18,1%) беморларда 2 ёки ундан ортиқ анатомик соҳаларни шикастланишлари қайд этилган (масалан қорин+бош суяги+кўкрак қафаси ёки қорин бўшлиғи+бош суяги+кўкрак қафаси+умуртқа поғонаси).

Ҳозирги замонда қорин ёпиқ шикасти механизми структурасида етакчи ўринни йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТҲ) эгаллаб, ушбу ҳолат 48 (30,0%) шикастланганларда қайд этилган. Кейинги ўринларда учраш миқдори бўйича маиший (34; 21,3%), баландликдан йиқилиш (33; 20,6%), криминал (25; 15,6%) ва ишлаб чиқариш (12; 7,5%) билан боғлиқ шикастланишлар ташкил этган. 8 (5,0%) ҳолатда беморлар ноаниқ этиологияли перитонит бўйича операция қилинган, ушбу беморлар шифохонага ётқизилган пайти жароҳат олганликларини инкор этишган, бироқ операция пайти қорин бўшлиғи аъзоларини шикастланганлиги аниқланган. Кейинги суриштирувлар натижасида анамнезида алкоголдан мастлик ҳолатида бўлганлиги ва нима бўлганини эслай олмасликларини таъкидлашган.

Тадиқиқотга киритилган 128 (80,0%) беморда қорин бўшлиғида якка абдоминал, бошқа 32(20,0%) шикастланганларда эса бир лаҳзалик (20; 12,5%) ва (12; 7,5%) ҳолатларда эса кечиктирилган операция амалиётлари ўтказилди. Бир вақтнинг ўзида комбинацияланган аралашувлар билан 20 бемордан 18 тасида плевра бўшлиғини бир вақтнинг ўзида дренажлаш ўтказилган. 2 беморда тизза бўғими қопқоғини (1) ва ўмров суягини остеосинтези (1) бажарилган. Деярли барча кечиктирилган операциялар (12 тадан 11 таси) найсимон суякларни остеосинтези (7), тос суякларини стабиллаштиришга (4) тегишли бўлган; фақат бир ҳолатда ўпка абсцессининг плевра бўшлиғига ёрилиши сабабли (6-чи суткада) чап плевра бўшлиғини дренажлаш амалга оширилган.

Диссертациянинг **«Ультратовуш ёрдамида шикастланишнинг характери ва оғирлигини баҳолаш асосида қорин ёпиқ жароҳатида хирургик даволаш тактикасини танлаш асослари»** деб номланган учинчи бобида қорин ёпиқ шикасти учун характерли бўлган турли қориничи шикастланишларининг ультратовушли семиотикаси батафсил ёзилган, қорин бўшлиғида эркин суюқлик ҳажмини баҳолаш учун принципал жиҳатдан

янгича ёндашув келтирилган ва унинг асосида ушбу жароҳатланишларда жарроҳлик даволаш тактикасининг алгоритми ишлаб чиқилган.

Ультратовуш текширувининг ахборотлилиги бўйича бизнинг ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатдики, қорин ёпиқ шикасти бўлган беморларда шикастланишнинг асосий белгиларидан бири – қорин бўшлиғидаги эркин суюқликни (гемоперитонеум) аниқлашда усулнинг сезгирлиги (Se), спецификлиги (Sp) ва аниқлиги (Ac) – мос равишда 88,3, 87,8 и 88,1% (2-жадвал) эканлигини кўрсатган ва бу замонавий стандартларга мувофиқ етарлича юқори кўрсаткич ҳисобланмаслиги аниқланган.

2-жадвал

ҚЁШ белгиларини аниқлашда УТТ информативлиги, n=160

УТТ-белгиси	TP	FP	TN	FN	Se	Sp	Ac	VPV	NPV
Эркин суюқлик	98	6	43	13	88,3 %	87,8 %	88,1 %	94,2 %	76,8 %
Паренхиматоз аъзолар травмаси (жигар, талоқ ва буйраклар)	32	6	57	65	33,0 %	90,5 %	55,6 %	84,2 %	46,7 %

Изоҳ: TP – мутлоқ ижобий натижа, FP – сохта ижобий натижа, TN – мутлоқ салбий натижа, FN – сохта салбий натижа, Se – сезгирлик (sensitivity), Sp – спецификлик (specificity), Ac – аниқлик (test accuracy), VPV – ижобий натижани башоратлаш қиймати (positive predictive value), NPV – салбий натижани башоратлаш қиймати (negative predictive value).

Бироқ, қорин ёпиқ шикастланган беморларда шикасланиш асоратларини аниқлашда қорин бўшлиғида эркин суюқликнинг сонографик белгилари нисбатан ишончли кўрсаткич бўлиши мумкин, чунки ижобий натижанинг башоратлаш қиймати (VPV) ушбу ҳолатда 94,2% ташкил этган. Шу билан бирга, ультратовуш текширувида қорин бўшлиғида патологик суюқликнинг йўқлиги ҳар доим ҳам қорин бўшлиғи органларида жароҳат мавжудлигини истисно қилмаслигини ва видеоэндохирургик ёки очиқ жарроҳлик амалиётига қарши кўрсатма бўла олмаслигини ёдда тутиш керак. Шундай қилиб, "қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик" диагностик хусусиятига асосланган салбий натижани (NPV) башоратлаш қиймати ҳақидаги ҳисоб-китобларимиз қорин шикасланишларини ишончли истисно қилишда ушбу мезоннинг паст қийматини (76,8%) кўрсатган.

Қорин бўшлиғи паренхиматоз аъзолари (жигар, талоқ ва буйрак) ёпиқ шикастланишларини аниқлашда ультратовуш текшируви самарадорлиги янада паст бўлиб, сезгирлиги ва аниқлиги мос равишда бор йўғи 33,0 ва 55,6% ни ташкил этган. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, паренхиматоз аъзолар шикастланишининг сонографик белгиларини аниқлашда ушбу диагностика усулининг спецификлиги анча юқори бўлиб 90,5% ни ташкил

этган. Ушбу диагностика мезони ижобий натижани башоратлаш қиймати (VPV) 84,2% дан ошмайди ва салбий натижани башоратлаш қиймати (NPV) паст – 46,7%. Шунинг учун, қорин бўшлиғи ультратовушли текшируви пайтида, айниқса гемодинамикаси беқарор беморларда, қорин бўшлиғини ультратовуш текширувини фақат гемоперитонеум белгиларини аниқлаш билан чеклаш ва қорин бўшлиғи паренхиматоз органларининг шикастланишини мақсадли қидиришга вақт сарфламаслик керак деб ҳисобланган.

Диссертация иши доирасида ультратовуш ёрдамида қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ҳажмини ўлчаш усулини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатадики, битта анатомик соҳада ингичка (1 см гача) эркин суюқлик чизиғи мавжудлиги 200 мл гача бўлган гемоперитонеум ҳажмини кўрсатади. Қорин бўшлиғида 300 мл гача қон тўпланганда, ультратовуш тасвири 2 анатомик минтақада кенглиги 1 см гача бўлган эркин суюқлик қатлами мавжудлиги билан тавсифланади. Ҳажми 300-500 мл бўлган гемоперитонеум қалинлиги 2 см гача бўлган, қориннинг 2 анатомик соҳаси доирасида эркин суюқлик чизиғини кўриш ёки бир соҳада қалинлиги 3 см дан ошган суюқлик мавжудлиги билан тавсифланади. УТТ вақти қорин бўшлиғида 3 ва ундан ортиқ анатомик соҳада эркин суюқликнинг аниқланиши эса 500 мл дан ортиқ гемоперитонеум мавжудлигидан дарак беради. Қоннинг худди шундай ҳажми, шунингдек, 2 та майдонда ультратовуш текширувида қатлам қалинлиги 2 см дан ортиқ бўлган эркин суюқлик мавжудлиги ёки қалинлиги 3 см дан ортиқ бўлган эркин суюқликнинг ҳар қандай тўпланиши билан ҳам намоён бўлади.

Кузатувлар натижасида қорин бўшлиғидан операция давомида олиб ташланган қон ҳажми билан сонография вақтида аниқланган эркин суюқлик тарқалиши ва қалинлигини таққослаш орқали «қорин бўшлиғи аъзолари шикастланган беморларда гемоперитонеум ҳажмини ультратовушли баҳолаш шкаласи» ни ишлаб чиқишга имкон берган (3- жадвал).

3-жадвал

Қорин бўшлиғи аъзолари шикастланган беморларда гемоперитонеум ҳажмини УТ-баҳолаш шкаласи

Суюқлик қатламининг кенглиги	1 соҳа	2 соҳа	>3 соҳа
<1 см	<200	300-500	500-1000
1-2 см	200-300	300-500	1000-1500
2-3 см	300-500	500-1000	1500-2000
3-4 см	300-500	1000-1500	>2000
>4 см	300-500	1500-2000	>2000

Қорин ёпиқ шикасти бўлган беморларда УТТ ёрдамида қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ҳажмини ўлчашнинг амалий аҳамиятини баҳолаш учун қорин бўшлиғида операция вақтида аниқланган қон ҳажмини (ҳақиқий ҳажм) амалга оширилган жарроҳлик аралашуви табиати ва ҳажми

билан солиштиришга қарор қилинган. Шу жумладан, 44 (28,4%) нафар қорин бўшлиғида 300 мл гача бўлган эркин суюқлик бўлган беморларда деярли ҳеч қачон кенг лапаротомия талаб қиладиган ҳолатлар бўлмаган. Бундан ташқари, ушбу миқдордаги эркин суюқлик (<300 мл) бўлган 20,5% ҳолларда (n=9) жарроҳлар қорин бўшлиғида қон кетишини тўхтаганлигига дуч келишган ва шунинг учун хирургик аралашув ҳажми фақат қорин бўшлиғини санация ва дренажлаш билан чегараланган.

Бундан ташқари, қорин бўшлиғида эркин суюқлик ҳажми 300 мл дан кам (n=44) бўлган беморларни олиб бориш бўйича кузатишларимиз шуни кўрсатдики, гидроперитонеумнинг бу ҳажми мавжуд беморларда қорин бўшлиғи ковак аъзоларига зарар етган ҳолатлар деярли кузатилмаган. Қорин бўшлиғида йўқотилган қон ҳажми 300-500 мл (n=34) бўлган ҳолларда беморларнинг ярмидан кўпи (19; 55,9%) қорин бўшлиғи санацияси ва дренажлаш, қонаётган қон томирни электрокоагуляция қилиш, паренхиматоз аъзони Moore бўйича I даражали ёрилишида жароҳатни тикиш, ичак деворидаги десерозацияланган соҳаларни, ичак тўтқичи ва катта чарви ёрилишларини тикиш каби жарроҳлик манипуляцияларини техник қийинчиликларсиз, қиммат материаллардан фойдаланмасдан мунтазам ишлатиладиган эндохирургик асбоб-ускуналардан фойдаланилган ҳолда лапароскопик техника ёрдамида амалга оширилган.

Гемоперитонеум ҳажми 300 мл дан ошмаган юқоридаги 44 нафар беморни ҳисобга олган ҳолда, кенг лапаротомия қўлланилмасдан лапароскопик усулда қорин бўшлиғи шикастланиши асоратларини бартараф этиш мумкин бўлган беморларнинг улуши 80,8% гача ошган (78 бемордан 63 нафари). Қорин бўшлиғида 500 млдан ортиқ қон мавжуд бўлганда (n=77), лапароскопик усулларни қўллаш имкониятлари жуда чекланган ва фақат 5 (6,5%) нафар беморда қўлланилган.

УТТ, МСКТ ёки тўғридан-тўғри диагностик лапароскопия пайтида қорин бўшлиғидаги 300 мл гача бўлган қон ҳажми аниқланганда, кенг лапаротомияни талаб қиладиган жиддий қорин бўшлиғи жароҳатларини истисно қилиш эҳтимоли юқори (RR=0.000) бўлган. Эркин суюқлик ҳажми 300-500 мл оралиғида бўлганда «қорин бўшлиғи аъзоларига жиддий зарар етказилишининг мутлақ хавфи» 44,1% (EER=0,441) ва нисбий хавф (RR) – 0,472 бирликни (шубҳали белги) ташкил этган. Энг юқори нисбий хавф (RR) қорин бўшлиғида 500 млдан ортиқ эркин суюқлик миқдори билан боғлиқ бўлиб, қорин бўшлиғини жиддий шикастланиш эҳтимоли (EER) 93,5% ни ташкил қилади ва нисбий хавф кўрсатгичи эса 95% ДИ билан 3,074 дан 7,692 гача ораликдаги бирликда бўлиб 4,862 бирликни ташкил қилган.

Гемоперитонеум ҳажми ва конверсия миқдори ўртасида аниқ тўғридан-тўғри корреляция мавжудлигини (R=0,9148) ҳисобга олган ҳолда, қорин бўшлиғида эркин суюқлик аниқланганда ижобий натижани башоратлаш қиймати юқори бўлиб (VPV=94,2%), ҚЁШ бўлган беморларни хирургик даволаш тактикасини белгилайдиган асосий диагностик мезон сифатида баҳоланган. Шу асосда «қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ҳажми»

кўрсаткичидан фойдаланилган, бу ўз навбатида қуйидаги алгоритмда акс эттирилган (1-расм).



1-расм. Қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик ҳажмини УТТ ёрдамида баҳолаш орқали қорин ёпиқ шикастида жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш алгоритми

Диссертациянинг «**Қорин ёпиқ шикастланишларини лапароскопик ва анъанавий жарроҳлик даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили**», деб номланган тўртинчи бобида амалга оширилган хирургик аралашувларининг характери ва ҳажми ёритилган, ушбу тоифадаги беморларни хирургик даволашнинг асосий яқин даврдаги натижалари келтирилган.

Паренхиматоз аъзоларнинг чуқур ва кенг ёрилишлари ва ковак аъзо деворини тикиш, аъзо резекцияси ёки олиб ташлаш каби катта ҳажмдаги очиқ операцияни талаб қиладиган қорин бўшлиғи аъзоларининг сезиларли даражада оғир асоратларини аниқлаш миқдори 43,8% ни ташкил этган. (ушбу

ҳолат 70 та шикастланганларда аниқланган) (4-жадвал). Шу билан бирга, қорин бўшлиғида 500 мл дан ортиқ ҳажмдаги эркин суюқликнинг сонографик белгилари мавжудлиги (лапароскопияга қарши кўрсатма) сабабли назорат гуруҳидаги лапаротомия бажарилган беморларда бу кўрсаткич 62,4% ни ташкил этган.

Шундай қилиб, барқарор гемодинамик кўрсатгичларга эга бўлган 37,6 % беморларда қорин бўшлиғидаги хирургик амалиётлар кўпи билан қон кетаётган томирнинг электрокоагуляцияси, қорин бўшлиғи санацияси ва дренажлаш ёки фақат қорин бўшлиғи аъзоларини ревизия қилиш билан чекланган. Маълумки, бу барча манипуляциялар лапароскопик асбобларнинг стандарт тўплами ёрдамида осонликча амалга оширилади. Яъни, бунда шикастланган организм учун қўшимча жароҳат етказадиган лапаротомия амалиётига зарурат туғилмайди.

4-жадвал

Қорин ёпиқ шикастланиши бўлган беморларда қорин бўшлиғида бажарилган хирургик амалиётлар ҳажми

Операция ҳажми	Асосий гуруҳ, n=51		Назорат гуруҳи, n=109		Жами, n=160	
	мут.	%	мут.	%	мут.	%
Ички аъзолар шикастланиши аниқланмаган	3	5,9	2	1,8	5	3,1
Қорин бўшлиғи санацияси ва дренажлаш	5	9,8	5	4,6	10	6,3
Қонаётган қон томирини электрокоагуляция қилиш	17	33,3	13	11,9	30	18,8
Паренхиматоз аъзони Moore бўйича I даражали ёрилишини тикиш	2	3,9	16	14,7	18	11,3
Ичакнинг десерозланган соҳалари, тутқич ва катта чарви ёрилишларини тикиш	3	5,9	5	4,6	8	5,0
